

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ТУГАЛОВ ФАРХОД ҚАРШИБОВИЧ**

**ФИЗИКАНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ  
ДУНЁҚАРАШИНИ КОМПЕТЕНТЛИК ДАРАЖАДА  
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Жиззах – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy on pedagogical  
sciences**

**Тугалов Фарход Қаршибоевич**

Физикани ўқитишда талабаларнинг илмий дунёқарашини

компетентлик даражада шакллантириш методикаси..... 3

**Тугалов Фарход Каршибаевич**

Методика формирования на компетентном уровне научного

мировоззрения студентов при преподавании физики..... 21

**Tugalov Farkhod Karshiboyevich**

Methodology for the formation of the scientific worldview of students at

the level of competence in teaching physics..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ТУГАЛОВ ФАРХОД ҚАРШИБОЕВИЧ**

**ФИЗИКАНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ  
ДУНЁҚАРАШИНИ КОМПЕТЕНТЛИК ДАРАЖАДА  
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Жиззах – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped651 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.jspi.uz](http://www.jspi.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бекмирзаев Раҳматулла Нурмурадович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Олимов Косим**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Махмудов Юсуп Ганиевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Гулистон давлат университети**

Диссертация химояси Жиззах давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» 09 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4 уй. Тел.: (+998) 72-226-13-57, 72-226-21-73; факс (+998) 72-226-46-56; e-mail: jspi [info@umail.uz](mailto:info@umail.uz); Жиззах давлат педагогика институти. Бош ўқув бино, 2-қават, маърузалар зали)

Диссертация билан Жиззах давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998) 72-226-13-57; 72-226-21-73; факс: (+998) 72-226-46-56.

Диссертация автореферати 2021 йил «20» 09 куни тарқатилди.  
(2021 йил «20» 09 даги 4 рақамли реестр баённомаси).



**Ф.Н.Жўракулов,**  
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, сиёсий фанлар доктори, доцент

**Н.Х.Кушвақтов,**  
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, педагогика фанлари номзоди, доцент

**У.Юлдашев,**  
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қўшидаги илмий семинар раиси, физика-математика фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё ҳамжамияти томонидан таълимни барқарор тараққиёт, глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларига мослаштиришда аниқ ва табиий фанларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айнан таълим тизимида фанни ўқитишда ахборот технологияларини қўллаш, виртуал лаборатория машғулотларини кўпайтириш, таълим олувчи талабалар илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантириш, компетентли таълим концепциясига асосланган ўқитиш методикасини, жумладан, виртуал шаклда ёки компьютер анимациялари ёрдамида ядро ва зарралар физикасини ўқитишни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Жаҳонда табиий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг илмий дунёқарашини ривожлантириш, олий таълим тизимида фанларни интеграциялаб ўқитиш механизмларини яратиш, ўқитишнинг педагогик, дидактик ва методик асосларини аниқлаш, уларни амалиётга татбиқ этиш, физик билимларни касбий фаолиятда қўллаш олиш компетенциясини ошириш, билимларни тўлиқ ўзлаштириш технологиясини такомиллаштириш, интеллектуаллик ва компетентлик даражаларини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Натижада, физика ўқитишда инновацион технологияларининг интегратив ёндашув асосида қўлланилиши, талабалар касбий компетенцияларининг кенгайтирилишига олиб келиши тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимида сўнгги йилларда юз бераётган ислохотлар, малакали ходимларга бўлган талаблар таълим компетенцияларини ҳар бир ўқув фанини, жумладан, физика ўқитиш жараёнида шакллантириб бориш заруриятини юзага келтирмоқда. Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги «...олий таълим муассасаларида физика ўқитишнинг интегратив принципларини жорий этиш, янги ва таълим бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш орқали ёшларнинг физика таълими билан қамраб олиш даражасини ошириш»<sup>1</sup> ҳамда республиканинг ядро энергетикаси дастури учун кадрлар салоҳиятини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатда «...ядро энергетикаси дастурини атом энергиясидан хавфсиз фойдаланиш талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар билан ўз вақтида ва тўлақонли таъминлаш»<sup>2</sup> каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада замонавий дидактик-методик талаблар асосида физика фанининг амалиёт билан алоқасини таъминлаш ва бу алоқани янада мукамал ўрганишни

<sup>1</sup> Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сон Президент қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.03.2021 й., 07/21/5032/0226-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг ядро энергетикаси дастури учун кадрлар салоҳиятини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги 2019 йил 16 октябрдаги ПҚ-4492-сон Президент қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.10.2019 й., 07/19/4492/3930-сон.

жадаллаштириш, ядро ва зарралар физикасини чуқурлаштирган ҳолда ўрганишда ўқитиш воситалари имкониятларини кенгайтириш масалалари заруриятга айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сон «Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Замонавий таълимни модернизация қилиш таълим жараёнининг мақсадини белгилаб беради. Таълим тизими – бу воқеликни идрок этишнинг етакчи усули, оммавий онг даражасига етказишнинг ўзига хос механизми бўлиб, у шахсда дунёқарашни шакллантиришни таъминлайди. Республикамиз олимлари Б.Мирзахмедов, М.Джораев, Р.Бекжонов, Б.Ахмадхўжаев, А.Бойдедаев, С.Қаҳҳоров ва бошқалар томонидан илмий билишнинг методологиясига оид илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Компетентлик, компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари ҳамда уларнинг шаклланганлик мониторингига оид мулоҳазалар, мантиқий-илмий тафаккурини ривожлантиришда компетенциялар тизимини шакллантириш, баҳолаш методлари ва диагностикаси тизимини такомиллаштириш масалалари Н.А.Муслимов, У.И.Иноятов, Ж.Э.Усаров, Ю.М.Асадов, Н.Ш.Турдиевлар томонидан илмий талқин қилинган.

МДХ давлатлари педагог ва психолог олимлари Ш.А.Амонашвили, П.Я.Гальперин, В.В.Давыдов, Е.В.Власова, В.Ф.Шаталов, Д.Б.Эльконинлар ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришга оид илмий-тадқиқот ишлари олиб борганлар. В.Д.Шадриков, В.А.Болотов, Ю.Г.Татур, А.Л.Андреевларнинг тадқиқот ишларида талабаларни компетенциявий ёндашув асосида ўқитишнинг психологик-педагогик жиҳатлари, жумладан, мутахассислик моделини умумметодологик ёндашувлар асосида ишлаб

чиқиш ва шахсни ижодий ривожлантириш каби муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Олий таълим тизимида талабаларни компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш жараёнига инновацион дидактик ва ахборот технологияларини татбиқ этиш муаммолари Е.В.Чуб, В.Мясников, О.Е.Лебедев, Д.И.Иванова, О.А.Козырова, А.Ташкинов, В.Е.Гаибова, А.В.Хуторской, Т.Б.Беляева ва бошқа педагог олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритилган.

Хорижий мамлакатларнинг педагог олимлари Дж.Равен, С.Уидетт, С.Холлифорд, Д.Ганс, А.Стуф, А.И.Субетто, Дж. Эрпенбеклар томонидан талабаларни компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш сифати ва самарадорлигига доир муаммоларга қаратилган тадқиқот ишлари амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-2.1.72-рақамли «Юқори энергияли ядроларнинг ядролар билан ўзаро таъсирлашувларида ҳосил бўлувчи оралик резонанс ҳолатларни ажратиш ва тадқиқ қилиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** физикани ўқитишда талабаларнинг илмий дунёқарашини компетентлик даражада шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

талабаларнинг илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантиришда «Ядро ва зарралар физикаси» бўлимини ўқитишга оид материаллардан фойдаланиш шакл ва методларини аниқлаштириш ва такомиллаштириш;

талабаларнинг илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантиришнинг методик тизими моделини ишлаб чиқиш;

талабаларнинг илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантиришга йўналтирилган дидактик таъминотни яратиш;

талабаларнинг илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантиришни ташхислашга қаратилган анкета саволлари, масалалар, лаборатория иши, тест топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларни педагогик тажриба-синовдан ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида педагогика олий таълим муассасаси физика ва астрономия ўқитиш методикаси таълим йўналиши талабаларининг илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институтларидан жами 651 нафар талаба жалб қилинди.

**Тадқиқотнинг предмети** физика ўқитишда талабаларнинг илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантиришнинг шакл, метод, восита ва йўллари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида муаммога оид илмий-методик адабиётларни қиёсий таҳлил этиш, хорижий ва маҳаллий тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, Давлат таълим стандарти, ўқув дастури, дарслик ва таълим муассасалари ҳужжатларини ўрганиш, ижтимоий-педагогик (анкета-сўров, суҳбат, кузатув, тест) ва математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ядро ва зарралар физикаси бўлимини ўқитиш жараёнида илмий билишнинг илмий абстракция, фикрий моделлар, илмий ғоялар ва гипотезалар каби назарий ва кузатиш, эксперимент ўтказиш, илмий фактлар асосида олинган натижаларининг баёни, таҳлил ва умумлаштириш каби эмпирик методларига таянилган ҳолда талабаларда илмий дунёқарашни шакллантириш тузилмасининг когнитив – кундалик, касбий, илмий билимлар, кадрий – кадриятлар, ғоялар, меъёрлар, ҳиссий-иродавий – шахсий қарашлар, эътиқотлар, амалий – билимларни умумлаштириш каби компонентлари аниқлаштирилган;

талабаларда илмий дунёқарашни компетентлик даражасида шакллантиришнинг методик тизими муаммоли ўқитиш жараёнида талаба шахсининг ижодий фаолиятини муаммоли ўқитиш, иллюстрацияли тушунтириш, ахборот-маълумот, дастурлашган таълим каби тарбиялаш технологияларини ўқув жараёнига тизимли қўллаш асосида такомиллаштирилган;

зарралар физикаси бўйича ўқув лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва амалга ошириш босқичлари мазмуни зарраларнинг турли хил кинематик характеристикалари (бурчак, импульс) юқори аниқликда ҳисобланган, тажриба усулида олинган натижалар асосида тақсимотлар олишда дастурлашган таълим технологияларини қўллашга устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган;

талабаларнинг илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантиришга йўналтирилган ўқув-методик таъминоти ядро ва зарралар физикаси бўлимига доир масалалар, тест ва лаборатория каби креатив топшириқларни ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

талабаларни компетенциявий ёндашув асосида ўқитишнинг мавжуд дидактик таъминоти сифатини баҳолаш бўйича методик, дидактик ва тарқатма материаллар мажмуи ҳамда «Ядро реакцияларининг ўзига хос хусусиятлари, Зарралар ва коинот физикаси» ўқув методик қўлланмалар компьютер технологияларининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган;

физика ўқитишда талабаларнинг илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантиришда «on-line тарзда» ҳам фойдаланиш мумкин бўлган ўқув-методик адабиётлар мажмуалари мазмуни ва таркибини шакллантириш ҳамда аудитория ва мустақил машғулотларни ўтказиш сифатини баҳолаш бўйича мезонлар ишлаб чиқилган;



Ўқув жараёнининг турли босқичларида талабалар компетентлиги шаклланишини баҳоловчи инновацион диагностика воситалар (диагностика масалалар мажмуаси) амалиётга жорий қилинган;

компетентиявий ёндашув асосида талабаларнинг илмий дунёқарабини шакллантирувчи зарралар физик характеристикаларини ўрганиш бўйича лаборатория машғулоти ишлаб чиқилган ҳамда ўқув жараёнига татбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** хорижий ҳамда ОАК рўйхатидаги илмий журналлар, халқаро ва республика илмий конференция материаллари тўпламларида мақолалар чоп этилганлиги, тадқиқотда қўлланилган методик ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, педагогик тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабаларга физикани ўқитишда уларнинг компетентлик даражасини шакллантиришга мўлжалланган илмий-методик тизим яратишнинг илмий-назарий асослари яратилганлиги, таклиф этилаётган методик тизимнинг ишлаб чиқилганлиги, компетентликнинг шаклланиши даражасини таҳлил қилиш орқали ўқитиш сифати мониторингини олиб боришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ўқув-ижодий режа ва компетентли ўқув-методик мажмуаларнинг узлуксиз таълим тизими (коллеж-бакалаврият-магистратура) га татбиқ этилиши, аудитория ва мустақил машғулотлар самарадорлигини баҳолашда квалиметрик методларнинг қўлланилиши, математик-статистик таҳлилдан тажриба-синов ишлари ўтказилган жойларда фойдаланиш имкони, касбга йўналтирилган диагностика масалаларни яратиш методикаси талабаларнинг илмий дунёқарабини шаклланишини аниқлашда фойдаланилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Физикани ўқитишда талабаларнинг илмий дунёқарабини компетентлик даражада шакллантириш методикасига доир тадқиқот натижалари асосида:

ядро ва зарралар физикаси бўлимини ўқитиш жараёнида илмий билишнинг илмий абстракция, фикрий моделлар, илмий ғоялар ва гипотезалар каби назарий ва кузатиш, эксперимент ўтказиш, илмий фактлар асосида олинган натижаларининг баёни, таҳлил ва умумлаштириш каби эмпирик методларига таянилган ҳолда талабаларда илмий дунёқарабини шакллантириш тузилмасининг когнитив – кундалик, касбий, илмий билимлар, қадрий – қадриятлар, ғоялар, меъёрлар, ҳиссий-иродавий – шахсий қарашлар, эътиқотлар, амалий – билимларни умумлаштириш каби компонентларига оид таклифлардан 2016-2017 йилларда амалга оширилган 259-02-01-1087 рақамли «Automated analysis of nuclear track emulsion in fundamental and applied problems of nuclear physics» мавзусидаги илмий-

амалий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 89-03-5596-сон маълумотномаси). Натижада, ядро физикасидаги фундаментал ва амалий муаммоларга доир ядровий эмульсия методикасида таҳлилларни автоматлаштириш бўйича лойиҳани амалга ошириш жараёни талабаларнинг илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантиришга хизмат қилган;

талабаларда илмий дунёқарашни компетентлик даражасида шакллантиришнинг методик тизими муаммоли ўқитиш жараёнида талаба шахсининг ижодий фаолиятини муаммоли ўқитиш, иллюстрацияли тушунтириш, ахборот-маълумот, дастурлашган таълим каби тарбиялаш технологияларини ўқув жараёнига тизимли қўллашга оид таклифлардан «Педагогика» таълим соҳаси 5110200 – физика ва астрономия ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналиши малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 89-03-5596-сон маълумотномаси). Натижада “Ҳозирги замон ва коинот физикаси” танлов фани бўйича талабаларнинг амалий кўникма ва малакаларини ривожлантиришга эришилган;

зарралар физикаси бўйича ўқув лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва амалга ошириш босқичлари мазмуни зарраларнинг турли хил кинематик характеристикалари (бурчак, импульс) юқори аниқликда ҳисобланган, тажриба усулида олинган натижалар асосида тақсимотлар олишда дастурлашган таълим технологияларини қўллашга ҳамда талабаларнинг илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантиришга йўналтирилган ўқув-методик таъминотига оид таклифлардан 254-04-14 рақамли «Design of crystalline molecular network by hydrogen bonds and studies of organic ferroelectrics» (2018-2019 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 89-03-5596-сон маълумотномаси). Натижада, ядро ва зарралар физикаси бўйича амалий ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш самарадорлиги ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 2 та услубий қўлланма, 27 та илмий иш, шу жумладан, 5 та халқаро ва 10 та республика илмий конференцияда илмий ишлар маърузалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари бўйича асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, шулардан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация матни 125 саҳифа бўлиб, кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалар ва атамалар рўйхатидан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги ҳамда диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Педагогика олий таълим муассасаларида физика ўқитиш жараёнида талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида талабаларнинг илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантиришнинг концептуал асослари, физика фанининг талабалар илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантиришдаги ўрни ҳамда талабаларнинг илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантириш жараёни ва уни аниқловчи мезонларнинг назарий асослари қараб чиқилган.

Дунёқарашнинг психологик-педагогик асосларини Ю.К.Бабанский, Н.А.Менчинская, Э.И.Моносзон, А.В.Усова ва бошқа олимлар ишларида ўрганилган. Дунёқараш масалаларини тадқиқ қилиш бўйича бир қанча тадқиқотларнинг олиб боришига қарамасдан, бугунги кунда илмий дунёқараш муаммолари ўзининг долзарблигини йўқотганлигича йўқ. Мазкур муаммо бугунги кунда жадаллик билан ўзгараётган оламда нафақат табиат ҳақидаги билимларни маълум бир қолипга келтириб қолмасдан, балки инсонни замонга мослаштиришда дунёқарашни компетентлик даражасида шакллантирилишини талаб қилади.

Республикамиз олимлари Б.Мирзахмедов, М.Джораев, Р.Бекжонов, Б.Ахмадхўжаев ва бошқалар томонидан илмий билишнинг методологиясига оид тадқиқот ишлари олиб борилган. Аτροφимизда содир бўлаётган табиат ҳодисалари ва жараёнларни билишнинг методологик асосини, бир-бирини тўлдирувчи илмий билишнинг назарий (илмий абстракция, фикрий моделлар, илмий ғоялар ва гипотезалар) ва эмпирик (кузатиш, эксперимент ўтказиш, илмий фактлар асосида олинган натижаларнинг баёни, таҳлил ва умумлаштиришлар) методларининг бирлигини ташкил қилади. Мазкур методлар талабаларда илмий дунёқарашнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Илмий дунёқарашни компетентлик даражасида шакллантириш жараёнидаги асосий рол билимларни умумлаштиришга қаратилади. Илмий дунёқараш – бу ижтимоий ва индивидуал онгнинг мураккаб, синтетик, умумлашган таълимидир. Шу боис умумлаштириш фикрий фаолият натижаси сифатида умумлаштириш жараёнини амалга оширишда ташкил бўлади ва тасаввурлар, илмий фактлар, тушунчалар, қонунлар, назариялар, оламнинг илмий манзараси шаклида ифодаланади. Файласуфлар эришилган билимларни умумлаштириш жараёнига умумий тушунчаларнинг пайдо бўлиши сифати қарайдилар. Бошқача айтганда, умумлаштириш – бу жамият

ва табиат қонуниятлари ҳақидаги чуқур хулосага келишдир. Илмий дунёқарашни шакллантириш билан боғлиқ билимларни умумлаштириш масалалари Т.Лихачев, В.Н.Мещанский, В.Г.Разумовский ва бошқа олимларнинг тадқиқот ишларида қараб чиқилган. Бизнинг тадқиқот ишимизда умумлаштириш эса билиш жараёни ва бу жараённинг натижаси сифатида қаралган.


Талабаларда илмий дунёқарашни шакллантириш тузилмасида асосий тўртта компонентни ажратиш кўрсатиш мумкин: *когнитив компонент* (бу умумлаштирилган билимларга асосланади – кундалик, касбий, илмий); *қадрий компонент* (қадриятлар, ғоялар, меъёрлар); *ҳиссий-уродавий компонент* (шахсий қарашлар, эътиқодлар); *амалий компонент* (билимларни муайян шароитларда одамнинг маълум бир хатти-ҳаракат турига ҳақиқий тайёрлигини умумлаштириш).

Тадқиқот ишида ўрганилаётган муаммонинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, дастлаб кўпгина фанлар учун муштарак бўлган компетенция, компетентлик тушунчалари психологик ва педагогик манбалар асосида таҳлил ва талқин қилинган.

Таълимда компетенциявий ёндашув моҳияти ва унинг вужудга келиши тарихига оид материаллар асосида «компетентлик» ва «компетенция» тушунчаларининг маъноси ҳамда талабаларни компетенциявий ёндашувга кўра, ўқитишнинг психологик-педагогик шарт-шароитлари ойдинлаштирилган. Шунингдек, умумметодологик ёндашувлар асосида ўқитиш жараёнида мутахассислик фанлари бўйича таълим олувчиларда илмий дунёқарашни компетентлик даражасида ривожлантиришда креатив қобилиятларни ўстириш шакл ва методлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Олий таълим муассасаларида физика ўқитишда талабалар илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантириш методикаси**» деб номланган. Бунда дарсни муаммоли тарзда ташкил этиш учун биринчи галда талаба баҳс-мунозара юритишга, фикрларини эркин баён этишга, танқидий муносабат билдиришга тайёр бўлиши лозим. Муаммони ҳал этиш босқичида талабаларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида бу жараёни шартли равишда қуйидаги уч босқичга ажратиш мумкин: аниқлаш босқичи (ўқувчи-талабаларда мавжуд тушунчалар аниқлаб олинади ва уларнинг диққати муаммога жалб қилинади); англаш босқичи (асосий мақсад ўқиш жараёнининг динамикасини таъминлаш, янги ўқув маълумотларини ўзлаштиришдан иборат); фикрлаш босқичи (муаммонинг ечими чиқарилиб, фикр-мулоҳазалар билдирилади).

Талабаларда илмий дунёқарашни компетентлик даражасида шакллантиришнинг методик тизими компетенциявий ёндашув асосида ўқитишнинг муаммоли таълим методлари (тадқиқот, эвристика, тушунтириш, муаммоли баён қилиш, репродуктив) ва воситалари (компьютер, видео проектор, тақдимотлар, визуал ўқув материаллари мажмуаси, тарқатма ва дидактик материаллар, дарс ишланмалари, методик қўлланмалар)дан мақсадга мувофиқ фойдаланиш методикаси келтирилди.



1 - расм. Талабаларда илмий дунёқарашни компетентлик даражасида шакллантиришнинг методик тизими модели.

Физикадан муаммоли таълим турлари (билимларни муаммоли баён қилиш, муаммоли топшириқларни ҳал қилиш, кичик илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш)ни амалга оширадиган муаммоли ўқитиш жараёнида талаба шахсининг ижодий фаолиятини тарбиялаш технологиялари (муаммоли ўқитиш, иллюстрацияли тушунтириш, ахборот-маълумот, дастурлашган таълим) аниқланди. Талабаларда илмий дунёқарашни компетентлик даражасида шакллантиришнинг методик тизими модели 1-расмда келтирилган.

Ушбу методик тизимга мувофиқ талабаларда илмий дунёқарашни компетентлик даражасида шакллантириш жараёни ўқитувчининг педагогик фаолияти, талабанинг ўқув билиш фаоллиги асосида қуйидагича амалга оширилди:

талабаларда илмий дунёқарашни компетентлик даражасида шакллантириш мазмуни, муаммоли таълим турлари, методи ва воситалари уйғун равишда танланди;

дарс самарадорлигини ошириш ва илмий дунёқарашни компетентлик даражасида таркиб топтиришда муаммоли таълим методлари (тадқиқот, эвристик, тушунтириш, муаммоли баён қилиш, репродуктив), муаммоли ўқитиш, иллюстрацияли тушунтириш, ахборот-маълумот, дастурлашган таълим технологияларидан фойдаланилди;

илмий дунёқарашни компетентлик даражада шакллантириш юзасидан назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида визуал ўқув материаллар мажмуаси, тарқатма ва дидактик материаллар тайёрланди.

Тадқиқот ишимизда талабалар илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантиришда фанга доир хусусий компетенциялар (физик жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш компетенцияси; тажрибалар ўтказиш, физик катталикларни ўлчаш ва хулосалар чиқариш компетенцияси; физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш), умумилмий компетенциялар (янги ғояларни яратиш компетенцияси; илмий, ишлаб чиқариш ва умумий маданий тадбирларда фаол мулоқот қилиш қобилияти ва тайёрлиги), креатив компетенциялар (тажрибадан бирор фойдали маълумот чиқариб олиш; муаммони еча олиш; олдинги ва ҳозирги воқеалар орасидаги ўзаро алоқани очиш; янги ечимларни топа олиш) муҳим аҳамиятга эга.

Физика ва астрономия ўқитиш методикаси йўналиши талабалари учун мўлжалланган ўқув режасидаги физика ўқитиш методикаси фанида берилган «Мустақил газ разрядли электрон жалаларининг ривожланиши», «Уйғонган муҳитдаги индуцирланган нурланиш (лазерларда)», «Ядролар бўлинишининг занжир реакцияси», «Элементлар синтези» ва «Нурланишнинг биологик таъсири» мавзулари асосида олий таълим муассасаларида физика курсини ўқитиш жараёни методикаси ёритилган.

Маълумки, тажриба ўтказиш давомида ҳосил бўлган иккиламчи зарраларнинг импульслари ва бурчакларини ўлчашда хатоликларга йўл қўйилади. Бу хатоликлар методик йўллар билан аниқланиб, ҳар хил тузатмалар киритилиб, зарраларнинг ҳақиқий импульслари ва бурчаклари

ҳисобланади. Бу тузатмалар тажриба натижаларини қайта ишлашда асосий дастурнинг ичида махсус дастур орқали аниқланади. Бунга заррачаларнинг «вазни» дейилади.


«Зарралар хусусиятларини ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ўрганиш»га доир лаборатория ишини бажаришда тадқиқот ва эвристик методларни қўллаб, ахборот-маълумот ҳамда дастурлашган таълим технологияларидан фойдаланилган ҳолда зарралар хусусиятлари ўрганилган.

Тажриба натижасида олинган маълумотлар 1-жадвал ва 2-расмда келтирилган.

1-жадвал

Импульси 4,2 АГэВ/с бўлган гелий ядроларининг углерод ядролари билан ноэластик тўқнашувларида ҳосил бўлувчи ходисалар сонининг (N) протонлар кўпламчилигига ( $N_p$ ) боғлиқлиги.

Протонлар сони ( $N_p$ )	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Воқеалар сони (N)	1800	1650	1400	1160	802	624	324	120	84	12



2- расм. 4,2 А ГэВ/с импульсли He C- ноэластик тўқнашувларда ҳосил бўлувчи протонларнинг кўпламчилик ( $N_p$ ) бўйича тақсимооти.

Мазкур лаборатория ишини бажариш ва тушунтириш жараёнида талаба ижодий фаолиятини тарбиялаш технологиялари (муаммоли ўқитиш, иллюстрацияли тушунтириш, ахборот–маълумот, дастурлашган таълим)ни қўллаш учун етарлича имкониятлар бор. Ушбу технологияларни қўллаш орқали талабаларда зарралар хусусиятлари ҳақида билим, кўникма, малака ҳамда физик жараён ва ходисаларни кузатиш, тушуниш, тушунтириш, тажрибалар ўтказиш, физик катталикларни ўлчаш ва хулосалар чиқариш,

физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш компетенцияларининг шаклланишига олиб келади.

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш ва ўтказиш**» номли учинчи бобда талабаларнинг илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантиришнинг методик тизимини баҳолаш учун тажриба-синов ишини ташкил этиш ва уни ўтказиш ҳамда олинган натижалар асосида математик–статистик таҳлил ишлари бажарилган.

Тажриба-синов ишларини ўтказиш жараёнида ҳар бир талабага берилган топшириқларни мустақил бажара олиш ва уларни тушунтира олишига алоҳида эътибор қаратилиб, уни ўтказиш мақсадида қуйидаги вазифалар белгилаб олинди: 1. Талабалар илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган ядро ва зарралар физикаси бўлими бўйича топшириқлар тизимини синаб кўриш. 2. Топшириқлар тизимини аниқлаштириш ва тўлдириш, улардан ўқув жараёнида фойдаланиш учун методик кўрсатмалар ишлаб чиқиш. 3. Талабалар илмий дунёқарашини компетентлигининг шаклланишига даражасини аниқлаш. 4. Тажриба-синов натижаларини сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолашни амалга ошириш.

*Аниқлаш босқичи* (2016-2017 йй.). Тадқиқотнинг назарий асослари илмий адабиётлар ҳамда педагогика олий таълим муассасалари талабалари илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантириш муаммоси аниқланган, муаммо назарий ёндашув асосида ўрганилган.

*Иزلаниш босқичи* (2017-2018 йй.). Тажриба-синов ишларининг иккинчи босқичида талабаларда илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шаклланишига дастлабки ҳолати аниқланди ва уларда илмий дунёқараш компетентлигини шакллантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш режалаштирилди. Шу мақсадда «Ядро ва зарралар физикаси» бўлимига доир масалалар ечиш, лаборатория иши, тест топшириқлари мажмуаси ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, тажриба-синов ўтказиладиган таълим муассасаларининг моддий-техник таъминоти ўрганилди. Илмий дунёқарашини шакллантиришга қаратилган тажриба-синовни ўтказиш методикаси ишлаб чиқилди.

*Яқунлаш босқичи* (2018-2020 йй.). Талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида: Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институтлари талабалари олинди. Олиб борилган тажриба-синов ишларида ЖизДПИдан 69 нафар, НавДПИдан 64 нафар, ҚўқДПИдан 59 нафар, ТДПУдан 25 нафар, жами 217 нафар талаба иштирок этди.

Таълим технологияларига кўра, методик тавсиялар ва электрон ресурслардан фойдаланган ҳолда, тажриба гуруҳларидаги талабаларда илмий дунёқарашнинг компетентлик даражасида шаклланишига ўқув машғулотларини ташхислаш ва коррекциялаш методикаси илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Назорат гуруҳида эса ҳаракатдаги дарслик, ўқув ва методик қўлланмалар асосида профессор-ўқитувчиларнинг тажрибасига таяниб машғулотлар олиб борилди.



Тажриба ва назорат гуруҳларидаги талабаларда илмий дунёқарашнинг компетентлик даражасида шаклланганлигини аниқловчи индикаторлар бўйича мониторинг ишлари амалга оширилганлиги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Талабалар илмий дунёқарашини компетентлигини аниқловчи индикаторлар.

Умумий индикаторлар	Тажриба гуруҳлари талабаларининг ўртача кўрсаткичи 108(%)		Назорат гуруҳлари талабаларининг ўртача кўрсаткичи 109 (%)	
	Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
Фанга доир компетенциялар	(56) 52 %	(91) 84 %	(55) 51 %	(70) 64 %
Умумилмий компетенциялар	(54) 50 %	(86) 80 %	(57) 52 %	(68) 63 %
Креатив компетенциялар	(41) 38 %	(68) 63 %	(44) 40%	(54) 50 %

Олинган натижалар асосида қуйидаги иккита статистик қаторлар бўйича талабаларнинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳисобланди:

$$\bar{x} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n n_i x_i \quad ; \quad \bar{y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n n_i y_i .$$

Бунда:  $x$  – тажриба гуруҳидаги талабалар сони;  $y$  – назорат гуруҳидаги талабалар сони;  $n$  - талабалар умумий сони.

Самарадорлик коэффициенти қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланди.

$$\eta_s = \frac{\bar{x}}{\bar{y}} .$$

$S$  - дисперсия (ўртача квадратик оғиш катталиқ)ларини қуйидаги формулалар ёрдамида ҳисобланди.

$$S_x^2 = \sum_{i=1}^n \frac{n_i (x_i - \bar{x})^2}{n-1} ; \quad S_y^2 = \sum_{i=1}^n \frac{n_i (y_i - \bar{y})^2}{n-1} .$$

Олинган натижалар асосида иккита гуруҳнинг вариация (ўртача қийматлари) кўрсаткичлари ҳисобланди.

$$V_x = \frac{S_x}{\bar{x}} \cdot 100\% ; \quad V_y = \frac{S_y}{\bar{y}} \cdot 100\% .$$

Кейинги босқичда стандарт усул билан назарий ўрта қийматларнинг ҳар бири учун 95% лик ишонч оралиқлари ҳисобланди.

$$\bar{x} \sim a_x ; \quad \bar{y} \sim a_y .$$

$$\bar{x} - \frac{1,96 \cdot S_x}{\sqrt{N}} \leq a_x \leq \bar{x} + \frac{1,96 \cdot S_x}{\sqrt{N}}; \quad \bar{y} - \frac{1,96 \cdot S_y}{\sqrt{N}} \leq a_y \leq \bar{y} + \frac{1,96 \cdot S_y}{\sqrt{N}}.$$

Олинган натижалар Стьюдентнинг t-мезони асосида таҳлил қилинди.

Талабаларнинг илмий дунёқарашларини компетентлик даражасида шаклланганлиги бўйича тажриба ва назорат гуруҳларининг кўрсаткичлари 3 - ва 4 - жадвалларда келтирилган.

3-жадвал

Тажриба бошида гуруҳларнинг кўрсаткичлари.


Гуруҳлар	Юқори	Яхши	Ўрта	Қуйи	$\bar{x}, \bar{y}$	$\eta$
ТГ	8	38	52	10	3,4	1
НГ	8	37	54	10	3,39	

4-жадвал


Тажриба охирида гуруҳларнинг кўрсаткичлари.

Гуруҳлар	Юқори	Яхши	Ўрта	Қуйи	$\bar{x}, \bar{y}$	$\eta$
ТГ	17	68	21	2	3,92	1,12
НГ	10	43	48	8	3,5	

Тажриба ва назорат гуруҳларида талабаларнинг илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шаклланганлиги бўйича педагогик тажриба-синов натижаларининг статистик таҳлиliga оид диаграммалар (3- ва 4- расм).



3-расм. Тажриба гуруҳида талабаларнинг илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шаклланганлиги бўйича педагогик тажриба-синов натижаларининг статистик таҳлили диаграммаси.



4-расм. Назорат гуруҳида талабаларнинг илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шаклланганлиги бўйича педагогик тажриба-синов натижаларининг статистик таҳлили диаграммаси.

Натижаларга кўра, юқорида амалга оширилган ҳисоблашлар ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот-методик таъминот таълим ресурсларидан фойдаланиб талабалар илмий дунёқараши компетентлик даражасида шаклланиши 12 % орталик ва таълим қилинган методик тизимнинг самарали эканлиги кўрсатилди.

## ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

**«Физикани ўқитишда талабаларнинг илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантириш методикаси»** мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим қилинди:

1. Таълимда компетенциявий ёндашув мазмуни, моҳияти ўқитишнинг психологик-педагогик жиҳатлари умумдидактик ёндашувлар асосида шахсни ижодий ривожлантириш муаммоларини ҳал этишга қаратилган илмий изланишлар таҳлиliga кўра, талабаларнинг илмий дунёқарашини компетентлик даражасида шакллантириш методикасини ишлаб чиқиш зарурати асосланди.

2. Ядро ва зарралар физикаси бўлимини ўқитишнинг дидактик имкониятлари, амалиётга йўналтириб ўқитишда замонавий методлар (тадқиқот, эвристик, тушунтириш, муаммоли баён қилиш, репродуктив) ностандарт лаборатория ишларини бажаришга устуворлик бериш, таълим жараёнида ижодий қобилиятларини ўстириш, юқори даражали компетентликка эга бўлган ижодий фаол шахслар тайёрлашнинг назарий жиҳатларини такомиллаштириш орқали эришиш мумкинлиги асосланди.

3. Талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантиришда ядро ва зарралар физикасига доир илмий дунёқараш компетенцияси шаклланиши даражасини фанга доир, умумилмий, креатив компетенциялар кўрсаткичлари орқали аниқлаштириш жиҳатлари илмий асосланди.

4. Талабаларнинг илмий дунёқараш компетенциясини шакллантиришда шахсга йўналтирилган пассив, фаол, интерфаол ёндашувга кўра лойиҳалаш каби дарс шакллари, фундаментал илмий дидактик таъминотлардан дарс машғулотларида фойдаланиш, уларда илмийлик, замонавийлик, ўқув вазиятини яратиш каби устуворлик бериш яхши самара беради.

5. Талабалар компетентлигини ташхислашга қаратилган педагогик, креатив, дидактик, технологик, интегратив топшириқларни бажариш методларини (вариантларни танлаш ва моделлаштириш) қўллаш, компетенцияларни ташхислашга қаратилган топшириқлардан фойдаланиш бўлажак педагоглар учун компетентлик талаблари бўлиб хизмат қилади.

6. Муаммоли таълимни амалга ошириш, талаба ижодий фаолиятини тарбиялаш технологияларини қўллаш, талабаларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларини тажриба-синовдан ўтказиш асосида ривожлантиришга оид тавсиялар ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилди.

7. Тажриба-синов натижаларининг математик-статистик таҳлиллари самарадорлигининг 12 % га ошганлиги ва талабаларда илмий дунёқараши

компетентлик даражасида шакллантириш учун танланган методларнинг самарали эканлигини кўрсатди.

Талабаларнинг илмий дунёқарашини компетентлик даражада шакллантириш юзасидан қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

а) олий таълим муассасалари физика йўналиши талабалари учун умумилмий компетенцияларини шакллантиришга доир танлов фанлари киритиш;

б) ядро ва зарралар физикасига оид фундаментал асосларини, илм-фанда эришилган сўнги ютуқларни 5110200 - физика ва астрономия ўқитиш методикаси таълим йўналишининг таълим мазмунига сингдириб бориш;

в) умумтаълим мактаб ўқувчиларига физик таълим беришда илмий дунёқараш, мантиқий фикрлаш ва умуминсоний қадриятларни шакллантириш учун зарур компетенцияларни шакллантиришда фан дастурлари мазмунига зарраларга оид мавзуларга кенгроқ ўрин ажратиш.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ  
СТЕПЕНИ ПРИ ДЖИЗАКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ТУГАЛОВ ФАРХОД КАРШИБАЕВИЧ**

**МЕТОДИКА ФОРМИРОВАНИЯ НА КОМПЕТЕНТНОМ УРОВНЕ  
НАУЧНОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ СТУДЕНТОВ ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ  
ФИЗИКИ**

**13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (физика)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Джизак – 2021**

Тема докторской диссертации (PhD) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан № В2020.1.PhD/Ped651

Диссертация выполнена в Джизакском государственном педагогическом институте

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу ([www.jspi.uz](http://www.jspi.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Бекмирзаев Рахматулла Нурмурадович  
доктор физико-математических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Олимов Косим  
доктор физико-математических наук, профессор

Махмудов Юсуп Ганиевич  
доктор педагогических наук, профессор

**Ведущая организация:** Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится «30» 09 2021 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 по присуждению научных степеней при Джизакском государственном педагогическом институте. (Адрес: 130100, г. Джизак, проспект Ш.Рашидова, 4. Тел.: (872) 226-13-57, 226-21-73; факс: (872) 226-46-56; e-mail: [jspi\\_info@umail.uz](mailto:jspi_info@umail.uz); Джизакский государственный педагогический институт. Главный учебный корпус, 2-й этаж, лекционный зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Джизакского государственного педагогического института (зарегистрирована за № 6). Адрес: 130100, г. Джизак, проспект Ш. Рашидов, 4. Тел.: (872) 226-13-57, 226-21-73; факс: (872) 226-46-56.

Автореферат диссертации разослан: «20» 09 2021 года  
(реестр протокола рассылки № 4 от 20.09 2021 года).



**Ф.Н.Журакулов,**  
председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор политических наук, доцент

**Н.Х.Кушвактов,**  
учёный секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
кандидат педагогических наук, доцент

**У. Юлдашев,**  
председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
ученых степеней, доктора  
физика-математических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Мировым сообществом особое внимание уделяется развитию точных и естественных наук в процессе адаптации образования к процессам устойчивого развития, глобализации и интеграции. Использование информационных технологий в преподавании естественных наук, увеличение количества виртуальных лабораторных занятий, формирование научного мировоззрения студентов на уровне компетентности, требует совершенствования методик обучения, основанных на концепции компетентного обучения, включая преподавание ядерной физики и физики элементарных частиц в виртуальной форме или с использованием компьютерной анимации именно в системе образования в преподавании дисциплины.

В преподавании естественных наук в мире проводятся научные исследования по развитию научного мировоззрения студентов, созданию в высшей школе механизмов интегрированного преподавания дисциплин, определению и реализации педагогических, дидактических и методических основ обучения, повышению компетенции применения физических знаний в профессиональной деятельности, совершенствованию технологий эффективного усвоения знаний, определению уровня интеллектуального и компетентного развития студентов. При обучении физике с целью расширения профессиональных компетенций студентов всё большее значение приобретает применение инновационных технологий на основе комплексного подхода.

Реформы в системе образования страны, потребность в компетентных кадрах создают необходимость формирования образовательных компетенций при преподавании каждого предмета, в том числе физики. О мерах по повышению качества образования и совершенствованию научных исследований в области физики «...расширение уровня охвата молодежи обучением по физике путем внедрения в высших образовательных учреждениях интегративных принципов преподавания дисциплин по физике, а также налаживания подготовки кадров по новым и востребованным на рынке образования специальностям»<sup>1</sup> и в документе, утверждающем стратегию развития человеческих ресурсов для ядерно-энергетической программы страны, которая устанавливает такие приоритеты, как «... своевременное и полное обеспечение ядерной энергетической программы квалифицированным персоналом, отвечающим требованиям безопасного использования ядерной энергии»<sup>2</sup>. В связи с этим возникает необходимость

---

<sup>1</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-5032 «О мерах по повышению качества образования и совершенствованию научных исследований в области физики» от 19 марта 2021 г. // Национальная база данных законодательства, 19.03.2021 г., № 07/21/5032/0226.

<sup>2</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4492 «Об утверждении Стратегии развития кадрового потенциала для ядерно-энергетической программы Республики Узбекистан» от 16 октября 2019 г. // Национальная база данных законодательства, 17 октября 2019 г., № 07/19/4492/3930.

обеспечить связь физики с практикой на основе современных дидактических и методических требований и ускорить изучение этой связи, расширить возможности учебных пособий по изучению ядерной физики и физики элементарных частиц.

Указы Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, УП-5847 «Об утверждении концепции развития высшего образования в Республике Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года, постановления №ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, №ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечению их активного участия в комплексных реформах в стране» от 5 июня 2018 года, №ПП-5032 «О мерах по повышению качества образования и совершенствованию научных исследований в области физики» от 19 марта 2021 года а также данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, поставленных в других нормативных актах, связанных с этой деятельностью.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное исследование проводилось в рамках Первого приоритета развития науки и технологий республики I. «В социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства формирование инновационных идей и способов их реализации».

**Степень изученности проблемы.** Модернизация современного образования определяет цель образовательного процесса. Система образования – это ведущий способ познания действительности и своеобразный механизм доведения ее до уровня массового сознания, который обеспечивает формирование мировоззрения у личности. Учеными нашей республики как Б.Мирзахмедов, М.Джораев, Р.Бегжанов, Б.Ахмадхужаев, А.Байдедаев, С.Каххаров и другими проведены исследовательские работы по методологии научного познания. Образовательные технологии направленные на компетентности, компетенций, а также и комментарии относительно мониторинга их формирования, вопросы формирования системы компетенций в развитии логико-научного мышления, методов оценки и совершенствования системы диагностики научно интерпретировали Н.А. Муслимов, У.И. Иноятов, Ж.Э.Усаров, Ю.М. Асадов, Н.Ш. Турдиев.

Педагогами и психологами стран СНГ такими, как Ш.А.Амонашвили, П.Я.Гальперин, В.В.Давыдов, Е.В.Власова, В.Ф.Шаталов, Д.Б.Эльконин проводились исследования по формированию научного мировоззрения студентов. В исследованиях В.Д.Шадрикова, В.А.Болотова, Ю.Г.Татура, А.Л.Андреева рассмотрены психолого-педагогические аспекты обучения студентов на основе компетентностного подхода, в том числе на разработку модели специализации на основе общеметодологических подходов и на



решение таких проблем как творческое развитие личности. Проблемы применения инновационных дидактических и информационных технологий в процессе обучения студентов в системе высшего образования на основе компетентностного подхода освещаются в научно-исследовательских работах таких учёных-педагогов как Е.В.Чуб, В.Мясников, О.Е.Лебедев, Д.И.Иванова, О.А.Козырова, А.Ташкинов, В.Е.Гаибова, А.В.Хуторской, Т.Б.Беляева и др.

Учёными-педагогами зарубежных стран: Дж.Равен, С.Уидетт, С.Холлифорд, Д.Ганс, А.Стуф, А.И.Субетто, Дж. Эрпенбек были проведены исследования направленные проблемы связанные с качеством и эффективностью обучения студентов на основе компетентного подхода.

**Связь исследования с планами научно-исследовательских работ учебного заведения, в котором выполнялась диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Джизакского государственного педагогического института проекта фундаментальных исследований на тему F-2.1.72 «Поиск и исследование образования промежуточных резонансных состояний в неупругих взаимодействиях ядер с ядрами при высоких энергиях».

